



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

20²¹-yil “1” март

K-291 -son

Qumqo'rg'on t.

Тумандаги “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативи ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман ҳокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ф.Қўзиевнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ф.Қўзиевнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативи ихтиёрида бўлган “С.Бойматов” массиви “Хўжамулки” маҳалла фуқаролар йигини худудида хўжалик харитасида 85қ-контурда жойлашган жами 10,20 гектар, шундан 9,80 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,20 гектар ариқ, 0,20 гектар қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдони туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинсин.

3. Бундан кейин ““NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативининг хўжалик харитаси 59қ, 63қ, 65, 66, 73, 78қ, 83, 84, 85қ, 86қ, 90, 102қ, 103қ, 104қ, 105қ, 137, 138, 141қ-контурларида жойлашган жами 81,80 гектар, шундан 76,10 гектар суғориладиган экин ер 2,60 гектар ариқ, 2,20 гектар йўл, 0,90 гектар қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

4. Кадастр агентлиги Қумкўргон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда туман ҳокимлиги


захира ер майдони ҳисботига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи туман комиссиясига ушбу захирага олинган 10,20 гектар ер майдонига танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринbosари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 20 yil " 27 " may

K-912

-sonli

Туманда “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперативи харакатини ривожлантириш ҳамда сабзавот-полиз этишириш мақсадида 91,0 гектар ер майдонини вақтингчалик 5 (йил) муддатга фойдаланиш хукуқи билан ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 16 октябрдаги № 23690-сонли, Вазирлар Махкамасининг 21 октябрдаги № 02/1-3392-сонли топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддалари ҳамда фукаро Кўзиев Фахриддиннинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 16 октябрдаги № 23690-сонли, Вазирлар Махкамасининг 21 октябрдаги № 02/1-3392-сонли топшириғи ижро ва маълумотнома учун қабул қилинсин.

2.Туманда Кўзиев Фахриддин бошлиқ “NASRIDDIN BARAKATILLO” ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативи харакатини ривожлантириш ҳамда сабзавот-полиз этишириш мақсадида С.Бойматов массиви “Хўжамулки” маҳалласи ҳудудидан хўжалик харитасида 59к, 63к, 65, 66, 73, 78к, 83, 84, 85к, 86к, 90, 102к, 103к, 104к, 105к, 137, 138, 141к-дала контурларда жойлашган жами 91,0 гектар, шундан 85,90 гектар сувли экин ер майдони, 2,80 гектар арик, 2,20 гектар йўл, 1,10 гектар қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдони вақтингчалик 5 (йил) муддатга фойдаланиш хукуқи билан ажратиб берилсин.

3.Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси талабига асосан ажратилган ер майдонидан белгиланганидан бошка мақсадда фойдаланганда

Кумкургон туман ҳокими
Р.Гаппаровга “Насридин
баракатило и/ч кооперативи
рахбари Ф. Қўзиев томонидан

АРИЗА

Ёзаман ушбу аризани шу хақдаким “Насридин баракатилло” и/ч
кооперативи тасарруфидаги 85қ-дала контуридан 10 гектар ер майдонини қисман
туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олишингизни сўрайман деб

Насридин баракатило и/ч
кооперативи рахбари

Ф. Қўзиев

СИММОДАРДАРДА ВИЛОЯТИ ОУ
БУРГОН ТУМАНИ * OZBEKISTON RESPUBLIKASI
КООПЕРАТИВИ НАСРИДИН
САНДАРЛАШ СИҲАЧИНАКАРСИ
БАРАКАТИЛЛО

САҲИФАЛАРСОН 1
КИРИШ № 252/01-20
САНАСИ 20.02.21

СИММОДАРДАРДА ВИЛОЯТИ ОУ
БУРГОН ТУМАНИ
ДАВЛАТ
ДАСТУР СОҲУМ
СИҲИМ № 01-97-109
САНА 22.02.21.

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Кумкўрғон
туман фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Кумкўрғон тумани, Ўзбекистон шоҳ
кӯчаси 3-ий

2021 йил “11” февраль

Кумкўрғон тумани

№ 99

Сурхондарё вилоят Қумкўрғон тумани “Хўжамулки” ҳудудидаги “Насриддин баракатилло” и/ч кооперативининг ер участкасини туман захирасига қисман қайтариш тўғрисидаги аризасидан туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг

Х У Л О С А С И

Қумкўрғон туман “Хўжамулки” ҳудудидаги “Насриддин баракатилло” и/ч кооператив бошлиги туман ҳокимига ариза билан мурожаат этиб, хўжаликга ижарага берилган ер участкасидан оқилона фойдаланиб, шу жумладан и/ч кооперативнинг жами бўлиб **91,0** га ер майдонидан **10,0** гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қисман қайтариш ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига тегишили ўзгаришишни сўраган.

Амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига кўра, туман ҳокими ариза тушгандан сўнг ҳужжатларни туман фермерлар Кенгашига хulosha олиш учун тақдим этилган.

Фермерлар Кенгаши ариза ҳамда мазкур фермер хўжалиги тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

И/ч кооперативи 91,0 гектар ер майдони сабзавотчиликка ихтисослашуви бўйича ажратилган ва туман ҳокимлиги ҳамда фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси тузилган.

Хўжамулки ҳудудидаги “Насриддин баракатилло” и/ч кооперативи ҳозирги кундаги фаолият юритиб, И/ч кооперативининг ер майдонларининг шарт-шароитлари ўрганилганлиги, унинг молиявий ҳолатини ҳамда кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида ариза юзасидан ижобий хulosha бериш лозим деб топилсин.

Юқоридагилар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон, 2013 йил 31 январдаги 22-сонли “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарорларига асосан туман фермерлар Кенгаши,

Х У Л О С А Қ И Л А Д И

“Хўжамулки” ҳудудидаги “Насриддин баракатилло” и/ч кооперативи ер участкасининг аризада кўрсатилган **10.0** га ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қисман қайтариш **мақсадга мувофиқ**.

Ушбу хulosha аризалар билан биргалиқда туман “Ер участкалари бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га кўриб чиқиш учун юборилсин.

**Кумкўрғон тумани фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши раиси:**

252/01-20
20.02.2021 й

А.Самадов

